

ХАБАРЛАР

Форс кўрфазида вазият янада таранглашди. АҚШ ҳужумлари кучайди

30 дақиқа аввал



CENTCOM маълумотига кўра, Эрондаги нишонларга АҚШ ҳаво зарбалари давом этаётган бир вақтда номаълум ҳудудда портлашлар кузатилган, 19 июль, 2026

Ўтган кеча-кундузда Баҳрайн ва Форс кўрфазининг бошқа давлатларида ҳаво ҳужуми сиреналари янгради.

Эрон атрофидаги нишонларга АҚШ кучлари тўққизинчи кун ҳаво зарбаларини бераркан, Форс кўрфази минтақасидаги вазият янада таранглашди.

Халқаро агентликларга кўра, 18 июль куни Кувайтга қарашли нефт объекти яқинидан тутун кўтарилаётгани сунъий йўлдош тасвирида акс этган.

АҚШ Қўшма Қўмондонлиги (CENTCOM) маълум қилишича, навбатдаги ҳаво зарбалари Эроннинг Ҳормуз бўғози орқали ҳаракатланаётган кемаларга таҳдид қилиш имконларини чеклашга қаратилган.

Ҳормуз бўғози дунёдаги энг муҳим стратегик сув йўлларида бири ҳисобланади. Жаҳонда ташиладиган нефть ва газнинг тахминан бешдан бир қисми айнан шу бўғоз орқали ўтади.

Бу ерда АҚШ ҳужумларининг ортишига Американинг уч ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлгани, эҳтимол тўртинчи ҳарбийнинг ҳам ўлган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хабарлар ҳам сабаб бўлган.

"Бугун кечаси уларга яна қаттиқ зарба бердик", деди жумладан АҚШ президенти Трамп Air Force One самолёти бортида журналистларга. Унинг қўшимча қилишича, ҳужумлар "эҳтимол уч буюк ватандош" хотирасига амалга оширилган.

Бундан бир кун олдин CENTCOM март ойидан буён Эрон билан урушдаги дастлабки жанговар йўқотишлар ҳақида маълумот берди ва Иорданиядаги мудофаа операциялари чоғида икки америкалик ҳарбий ҳалок бўлгани, яна бири бедарак йўқолганини маълум қилди.

АҚШнинг минтақадаги асосий ҳарбий объектларидан бири Иордания пойтахтидан тахминан 80 километр узоқликда жойлашган Муваффақ Салти авиабазасидир.

Бундан ташқари, АҚШ қўшинлари шахзода Ҳасан авиабазаси ва Иорданиядаги бошқа бир қатор ҳарбий иншоотларда ҳам фаолият юритади.